

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

АСЛ ЙИГИТ ЮРТИНИНГ КЎЗМУНЧОҒИ

Чирчиқ Олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юртида Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти вилоят кенгаши билан ҳамкорликда "Ватан – муқаддас, уни ҳимоя қилиш шарафли бурчдир!" шиори остида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Мардлар кўриқлайди, Ватанни!

Тадбирда Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти вилоят кенгаши тасарруфидаги ўқув муассасалари ва 10-11-синф ўқувчилари, Чирчиқ Олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юрти курсантлари ва ҳарбий хизматчилари, Чирчиқ давлат педагогика институти талабалари, ҳамкор ташкилотлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.



Қардошлик

Тожикистонлик бир гуруҳ фуқаролар Янги йил байрамини Ўзбекистонда кутиб олишди. Улардан бири Зикридин Насриддинов Тошкентдаги Янги йил байрами тасарруотлари билан ўртоқлашди.

«НАВРЎ БАЙРАМИНИ ҲАМ ТОШКЕНТДА НИШОНЛАЙМИЗ!»

– Ўзбек ва тожикни икки тилда сўзлашувчи бир халқ деб тўғри айтишди, – дейди З. Насриддинов. – Боиси, азалдан яхши кўшни, яқин дўст, маданияти ва урф-одатлари ўхшаш, қудандали халқлардир. Бу икки халқ доимо бири-бирига талпиниб яшаган ва бугун ҳам шундай. Сўнги йилларда икки давлат раҳбарлари халқларимизнинг ана шу эзгу орзу ва интилишларига ҳамоҳанг иш юритиб, чегараларни очиб бергани бир-бирини соғинган ҳар икки халқ учун ҳам тарихий воқеа бўлди.

Ўйлаб қарасам, Тошкентга охири бор келганимга 27 йил бўлибди. Чорак асрдан ошиқроқ олдин хотираларни, хусусан, шаҳарнинг кенг ва равон кўчалари, меҳрибон ва меҳмондўст одамлари, айниқса, серфайз, тўкин-сочин бозорлари, ҳамisha тоза ва озода, гавжум бўлувчи метроси, баян телеминосари ҳақида набираларимга ҳикоя қилиб берадим. Улар доимо: "Тошкентга оборинг, метрога борайлик", деб хархаша қилишарди. Шу боис, анчадан буён оилам билан азим шаҳарга келишни орзу қилиб юраддим. Мана ниҳоят, давлатларимиз ўртасида узилб қолган ришталар тиклангани туфайли оиламнинг, айниқса, набираларимнинг орзуси ушалди. Янги йил байрамини оилам билан Тошкентда кутиб олдим.

Очиги, набираларимнинг олдида бир оз хижолат бўлиб қолдим. Чунки менинг ҳикояларимдаги Тошкент бошқача, бундан чорак аср олдинги шаҳар эди-да. Ўзим ҳам танилмай қолдим. Мен билган шаҳардан минг қарра гўзал бўлиб кетибди. Тўғри, Ўзбекистон, жумладан, унинг пойтахтида жуда катта ўзгаришлар бўлгани, мисли қўрилмаган қўрилишлар, хусусан, янги мерто, замонавий уй-жойлар, яна минтақада ягона бўлган "Тошкент сити" қурилаётгани ҳақида кўп эшитгандим. Лекин кўрганларим эшитганларимдан анча, ҳатто солиштириб бўлмас даражада бекиёс эканига гувоҳ бўлдим.

Оилам билан бозорларни айландик, истироҳат боғларига бордик. Набираларимнинг метрога тушгандаги хурсандчилигини айтмай-сизми?! Айниқса, шаҳарнинг бош арчаси, бу ердаги томошалар, яратилган қулайликлар нафақат набираларим, балки биз катталарга ҳам унутилмас байрам кайфиятини улашди. Шаҳардаги тартиб-интизом, одамларнинг бир-бирига ҳурмат билан муомалада бўлиши, айниқса, кўчаларнинг саранжом-саришталлиги бизни лол қолдирди. Хуллас, таассуротларимизнинг чеки йўқ. Шу боис, яна бир яхши ният қилдик. Насиб этса, Наврўз байрамини ҳам Ўзбекистонда қарши оламиз!

ЎЗА мухбири А. ХУДОЙҚУЛОВ ёзиб олди.

ЮЗ ОИЛАНИНГ ЮЗИДА ҚУВОНЧ

Вилоятимизнинг туман ва шаҳарларида ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган, ногиронлиги бўлган оилаларнинг 100 нафарига янги уйларнинг қалити топширилди.

Ғамхўрлик

Шу муносабат билан Зангиота туманида ташкил этилган тантанали тадбирда вилоят ҳокимлиги масъуллари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, кам таъминланган оилалар аъзолари иштирок этишди.

Тадбирда вилоятимизда аҳолининг эҳтиёжманд қатлами, хусусан, жисмоний имконияти чекланган фуқаролар, кам таъминланган оила вакиллари, айниқса, ушбу тоифадаги аёлларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни имтиёзли уй-жой билан таъминлаш, меҳнат қилишига имконият яратиш борасида тизимли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Президентимизнинг 2017 йил 1 декабрдаги

йил 12 апрелдаги "Оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларга, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, фарзандларини тўликсиз оилада тарбиялаётган ва уй-жой шaroитини яхшилашга муҳтож оналарга арзон уй-жойлар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори бу борадаги ишлар кўламини кенгайтиришда

муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. – 2018 йилда вилоятда жисмоний имконияти чекланган, боқувчисини йўқотган, эҳтиёжманд 300 га яқин оилага уй-жой берилди, – дейди вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Озода Парфибоева. – Шунингдек, ногиронлиги бўлган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга 1 минг 90 та ногиронлик аравачаси, 130 га яқин эшитиш аппарати, 1 минг 800 дан ортиқ протез-ортопедия мосламалари берилди. Оғир операция учун 25 нафарига моддий ёрдам ажратилди.

Маросим сўнгида байрам дастурхони ёзилиб, концерт дастури намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Танзила Норбоева сўзга чиқди.

Ўз мухбиримиз Равшан МИРЗАҚУЛОВ олган сура



Маҳаллий кенгашларда

Янгийўл шаҳридаги "Ишчилар шаҳарчаси" ва "Сабо" маҳаллаларида 1 минг 800 дан ортиқ тураржой мавжуд бўлиб, уларнинг 365 таси мукамал таъмирга муҳтож.

ЯНГИЙЎЛНИНГ МУАММОЛАРИ ЭСКИ ЙИЛДА ҚОЛМАДИ

Шаҳар ҳудудидан оқиб ўтувчи Кўркўлдак ва Жўн каналлари оралиғида жойлашган 9 та кўп қаватли тураржой биноси авария ҳолатида. Боиси, мазкур уйлар каналдан пастликда жойлашган ва каналнинг таъмиртаб қисмидан сизиб чиқаётган сув ҳисобига кўп қаватли уйлар ертўласи сувга тўлмоқда. Муаммонинг яна бир эйтиборли жиҳати, Кўркўлдак канали пойтахтимиздан Зангиота тумани, Янгийўл шаҳри ва тумани орқали Чиноз туманига бора-да, мазкур туманлараро канал Янгийўл тумани ирригация бўлими балансида бириктирилган. Оқибатда канал қаровисиз қолиб, сув сизиб ўтувчи нуқталар кўпайган. Шунингдек, канал муҳофазат ҳудудидан 70 га яқин ноқонуний қурилмалар бор.



Шаҳардаги мавжуд 141 километр ичимлик суви қувурининг қарийб 80 фоизи таъмирталаб ёки яроқсиз ҳолатда. Бунинг оқибатида 20 фоиздан 40 фоизгача ичимлик суви исроф бўлаётган. Ёз мавсумида шаҳарнинг "Сабо", "Ишчилар шаҳарчаси", "Файзиобод", "Янгибоғ" ва "Рамадон" маҳал-

ларидаги кўп қаватли уйларнинг юқори қаватига сув чиқмайди. Шаҳар оқова сувларни тозалаш иншоотида кунига 19 мингдан 23 минг метр куб. гача оқова сув келаётган бўлса-да, иншоотнинг яроқсизлиги сабаб оқова сувлар зарарсизлан-тирилмаган ҳолатда Салар ари-

гига оқизилмоқда. Шунингдек, "Сабо", "Ишчилар шаҳарчаси", "Файзиобод" ва "Олмос" маҳаллаларида канализация тармоғи йўқ. Аҳоли хонадонларидан чиқаётган оқова сувлар тўғридан-тўғри Кўркўлдак ва Жўн каналига қўйилмоқда. Шаҳар маҳаллаларида чиқинди тўплаш жойлари йўқлиги

ёки етарли эмаслиги учун кўчаларда, Кўркўлдак ва Жўн канали қирғоғида 12 та ноқонуний чиқиндихона ҳосил бўлган. Бу муаммо ва камчиликлар Республика ишчи гуруҳи томонидан 2018 йил сентябрь-октябрь ойларида шаҳарда олиб борилган ўрганишлар натижасида аниқланган эди.

Халқ депутатлари Янгийўл шаҳар Кенгаши сессиясида Республика ишчи гуруҳи томонидан шаҳарнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи, аҳолини қийнаб келаётган муаммолар бўйича олиб борилган ўрганиш натижалари муҳокама қилинди.

Муносабат

Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси кенг жамоатчилик ва турли соҳа вакиллари томонидан кўтаринки руҳда кутиб олинди. Мурожаатномада халқимиз ҳаётига дахлдор бўлган долзарб масалалар хусусида атрафлича сўз юритилди. Мухбиримиз турли соҳа вакиллари бу борадаги фикр-мулоҳазаларини ёзиб олди.

ХАЛҚИМИЗ ДИЛИДАГИ ГАПЛАР

Баҳодир ТҲҲИЧЕВ,

Ўзбекистон Республикаси Мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилотининг вилоят кенгаши раиси:

– Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондон Шавкат Мирзиёевнинг Парламентга йўллаган Мурожаатномасини катта ҳаяжон билан тингладим. Давлатимиз раҳбари юртимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлашнинг муҳим омили ҳисобланган Ўзбекистон Қуролли Кучлари тизимида олиб борилган ишларга алоҳида тўхталди.

Ўтган икки йил вақт мобайнида соҳада олиб борилган чуқур ислохотларда кадрлар масаласидан тортиб, қўшинларни замонавий қурол-яроғлар билан таъминлаш бўладими ёки ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиши, қўйинги, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масалаларига-ча қамраб олинди.

Мурожаатномада мудофаа саноати ва ҳарбий таълимни ривожлантириш зарурлиги алоҳида таъкидланди. Шундан келиб чиқиб, икки ой мuddатда мудофаа тизимини комплекс тараққий эттиришнинг дастурий чора-тадбирлари ишлаб чиқиш ва қабул қилиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Топшириқ ихросини таъминлаш мақсадида тегишли вазирилар ва идоралар, хусусан, Мудофаа саноати давлат кўмитаси билан биргаликда режа ишлаб чиқилди.

Мухтасар айтганда, Мурожаатномада илгари сурилган вақтларнинг модернизация қилиш, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш орқали қўшинларни бошқариш тизимини такомиллаштириши шубҳасиз.

Ноҳира ДАЛАБОЕВА,

вилоят мактабгача таълим бошқармаси бошлиғи:

Бугун вилоятимизда жами 689 та мактабгача таълим муассасалари фаолият кўрсатмоқда. Уларда 80 минг 963 нафар тарбияланувчи камол топмоқда. Шунингдек, Мактабгача таълим бошқармаси тасарруфида 455 та, ташкилотларга қарашли 26 та, нодавлат 111 та, оилавий нодавлат 68 та, давлат-хусусий шерикчилик асосида 29 та мактабгача таълим муассасаси фаолият юритиб келмоқда.

Мурожаатномада 2019 йилда амалга оширилиши керак бўлган муҳим вазибалар қаторида мактабгача таълим соҳаси биринчи ўринларда турганидан гурурландим. Ай-

ниқса, Юртбошимиз бола-ларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражасини узлуксиз ошириш орқали уни 44 фоизга етказиш вазибаларини қўйганлари жуда ўринли бўлди.

Шунингдек, Мурожаатномада замонавий қараш ва ривожланиш тенденцияларини чуқур таҳлил эта олади-ган, олиб борилаётган ислохотларни рўйбга чиқаришга қодир кадрларни тайёрлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилгани фарзандлар қамолини ўйлаб яшайдиган халқимизни бе-ниҳоя руҳлантирди.

Давоми 2-бетда



ЯНГИЙЎЛНИНГ МУАММОЛАРИ ЭСКИ ЙИЛДА ҚОЛМАДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Халқ депутатлари вилоят ва шаҳар Кенгашлари депутатлари, давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, шаҳар сектор раҳбарлари, фаоллар иштирок этган сессияда Президентимиз ташаббуси билан мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, ҳудудларда ишга солинмаган имконият ва ресурслардан тўлиқ фойдаланишни йўлга қўйиш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва турмуш фаровонлигини юксалтириш борасида кенг кўламли ишлар амалга ошириладигани таъкидланди.

Республика ишчи гуруҳи томонидан шаҳарнинг реал иқтимоий-иқтисодий ҳолатини ўрганиш, мавжуд муаммолар-

ни бартараф этишга қўмаклашиш мақсадида маҳаллаларда уйма-уй юриш орқали

Сессияда Республика ишчи гуруҳи томонидан аниқланган муаммолар, хусусан, кўча ва

ечимини кутиб турган муаммолар ҳам мавжудлигига таъбир қаратилди. Хусусан, шаҳарда мавжуд 145 километрдан ортиқ ички йўللarning 128 километри жорий ва мукамал таъмирга муҳтож. Ички йўллarga хизмат кўрсатувчи шаҳар ободонлаштириш бошқармасининг ижарага олинган трактор ва тиркамасини иноватга олма, балансида йўл-созликка ихтисослашган бирорта ҳам техника мавжуд эмас.



аҳоли билан очиқ мулоқотлар ўтказилди. Таълим, маданият, спорт, тиббиёт, бандлик, коммунал, экология соҳалари, тадбиркорлик, аҳолига савдо ва бошқа хизматлар кўрсатишнинг реал ҳолати ўрганилди. Ўрганишлар натижасида қарийб 9 минг муаммо аниқланиб, уларнинг бир қисми жойида бартараф этилди.

ариқ қирғоқларида тўпланиб қолган чиқиндиларни бартараф этиш, улар олиб кетилиши тизимини тартибга келтириш, кўп қаватли уйлар томи, фасади ва ертўраларини таъмирлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш каби қатор йўналишларда имконият даражасида муаммолар бартараф этилгани, шу билан бирга,

мактабгача таълимга қамраб олинмаган. Мавжуд мактабгача таълим муассасаларининг аксарияти 1970-йилларда қурилган бўлиб, таъмирга муҳтож.

Шаҳардаги 2-, 5-, 6-, 10-сонли мактабларда 7 минг 691 нафар ўқувчи таълим олмақда. Ўқувчилар сони мазкур муассасалар лойиҳавий қувватидан 2,5 баравар кўп. Айрим мактаблар биноси таъмирталаб, 6-сонли мактабда эса, 32 та компьютерга эҳтиёж бор.

Сессия кун тартибидagi мазмундор ҳал этиш, кўтарилган муаммоларга тўлиқ барҳам бериш бўйича "йўл харитаси" ишлаб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Шу кун бўлиб ўтган Халқ депутатлари Зағитон ва Бўстонлик туманлари Кенгашлари сессияларида ҳам айтилган муаммолар муҳофизат қилинди.

Ўз мухбиримиз Равшан МИРЗАКУЛОВ олган суратлар

Тошкент вилояти ҳокимининг ҚАРОРИ

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА ДАВЛАТ КЎЧМАС МУЛКИДАН 2019 ЙИЛДА ФОЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН ИЖАРА ТЎЛОВИНИНГ ЭНГ КАМ СТАВКАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг "Ижара тўғрисида"ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси 1992 й., 1-сон, 45-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 апрелдаги 102-сонли "Давлат мулкани ижарага бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 2009 й., 15-сон, 186-модда) талаблари асосида вилоят ҳудудидagi бўш турган бино-иншоотлардан оқилона фойдаланиш, уларга бўлган эҳтиёжни тўлиқ таъминлаш ҳамда қўйилган харажатлар билан корхона-ташкilot ва муассасаларнинг ижара тўловидан тушадиган даромадларни тартибга солиш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Давлат кўчмас мулкларидан фойдаланганлик учун ижара тўловларининг энг кам ставкалари Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан 2018 йил 13 декабрдаги 2936/02-17-1-сон билан киритилиб, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги (ММ-3-0/142-сон) ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (АХ/08-01-32/3964-сон) билан келишиб белгиланганлиги инобатга олинсин.

2. Тошкент вилоятида Давлат кўчмас мулкидан 2019 йилда фойдаланганлик учун ижара тўловининг 1 кв.м учун энг кам ставкалари 1-ва 2-иловаларга ҳамда ижара тўлови ставкаларига қўлланиладиган оширувчи коэффциентлар 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Бино ва иншоотларга бириктирилган, шунингдек, алоҳида ажратилган майдонларда (асфальтланган ёки бетонлаштирилган ҳудудларда) радио, уяли ва пейджинг алоқа антенналари ўрнатилганда фойдаланиладиган майдон учун ижара ҳақи тўловлари ҳисобланиши тартиби 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Давлат мулкани балансда сақловчиларнинг мансабдор шахслари:

йил чорагида камида бир марта ўзининг тасарруфида бўлган давлат мулкни хатловдан ўтказишлари; фойдаланилмаётган давлат мулки тўғрисидаги маълумотларнинг марказга ўз вақтида, тўлиқ, шунингдек, ижарага бериладиган мол-мулкнинг тиклини қиймати тўғрисидаги тақдим этилган ахборотнинг ишончилиги; давлат мулкни ижара шартномаси тузмасдан ижарага бериш, ижара шартномасида ижара берилган мулкнинг параметрлари ва сонини атайлаб нотўғри қайд этилганлиги, бунинг натижасида ижара тўловининг яширилшига олиб келганлиги учун бевосита қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

5. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси хузуридаги "Тошкент вилояти давлат мулкни ижарага бериш маркази" давлат унитар корхонаси директори (Ғ. Исмаилов)га:

давлат мулкни ижарага беришни ташкил этиш ва ижарага бериш; ижарага бериладиган давлат мулкни ва уни ижарага беришдан тушадиган маблағларни ҳисобга олиш ва мониторингини олиб бориш; ижарага бериладиган давлат мулки бўйича маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш; ижара объектларидан мақсадли фойдаланилишини ва уларнинг сақланишини, шунингдек, ижара тўлови ўз вақтида ва тўлиқ тўланишини назорат қилиш; ижарага берилган давлат мулкни ҳар чораклик асосида хатловдан ўтказиш;

фойдаланилмаётган давлат мулки ижарага берилиши тўғрисидаги эълонлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 22.03.2018 йилдаги "Давлат активларини сотиш ва ижарага беришда электрон савдоларни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 209-сонли ва 16.06.2018 йилдаги "Давлат мулки объектларини сотиш ва ижарага бериш бўйича электрон савдолар ўтказиш тартиби тўғрисида"ги Низомини тасдиқлаш ҳақидаги 454-сонли қарорларига асосан ижарага бериладиган давлат мулки рўйхатини Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги мажбурий ижро бюроси "Электрон-онлайн аукционларни ташкил этиш маркази" давлат унитар корхонасига объектларни ижарага бериш бўйича электрон-онлайн аукционга жойлаштириш, даврий нашрларда, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг веб-сайтларида жойлаштириш; вилоят ҳудудида фойдаланилмаётган, бўш турган бинолар ва иншоотларни аниқлаб, самарали фойдаланилишини таъминлаш мақсадида юридик ва жисмоний шахсларга белгиланган тартибда ижарага бериш вазифалари юклатилсин; "Тошкент ҳақиқати" газетаси Бош муҳаррири (Ғ. Шералиев) давлат мулки бўлган нотураржой бино-иншоотларни ижарага бериш эълонлари газетادا чоп этилишини таъминлансин.

6. Вилоят Давлат солиқ бошқармаси (Қ. Ходжаев), шаҳар ва туман ҳокимлиқлари, ҳудудларда ижара муносабатларини тартибга солиш, ижарага бериладиган давлат мулкни ҳисобини тўғри юритиш ва бюджетга қўшимча маблағларни жалб қилиш мақсадида давлат мулкни балансда сақловчилар томонидан ижарага бериш самарадорлигини ошириш ва ташкиллаштиришда Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Тошкент вилояти давлат мулкни ижарага бериш маркази билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйинлар.

7. Шаҳар ва туман ҳокимларига мазкур қарорнинг 3-илова-сидан келиб чиқиб, мулкнинг жойлашган манзилни инобатга олган ҳолда ҳудудий зоналарни (1-2-3-4-сон) 2018 йил 31 декабрга қадар белгилан юклатилсин.

8. Вилоят ҳудудида 2019 йилда давлат мулки бўлган бинолар ва хоналарда жойлашган бюджет ташкилотлари учун ижара тўловининг "ноль" ставкаси белгилансин.

9. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан Тошкент вилояти ҳокимининг 2018 йил 27 январдаги 81-сонли "Вилоятда Давлат кўчмас мулкдан 2018 йилда фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам ставкалари тўғрисида"ги қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Мазкур қарор "Тошкент ҳақиқати" газетасида расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

11. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари О. Рустамов зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими

F. ИБРАГИМОВ

2018 йил 29 декабрь

ХАЛҚИМИЗ ДИЛИДАГИ ГАПЛАР

Дилшод ТОЖИБОЕВ, Жиноят ишлари бўйича вилоят суди раиси:

Давлатимиз раҳбари Мурожаатномада суд-хуқуқ соҳаси олдида турган асосий устувор вазифаларга алоҳида эътибор қаратди.

Судьялар фаолияти инсон тақдири билан боғлиқ, қимматли ҳаётга айбаниши, айтайлик, қилмаган айби учун узоқ йилга озодликдан маҳрум этилишига йўл қўйиб бўлмайди. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Судьялар Олий Кенгаши томонидан зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Айни вақтда судьяларни танлаш ва лавозимларга тайинлашнинг тизими бутунлай ўзгармоқда. Бу жараёнга ноқонуний аралашувларнинг олдини олиш учун номзодларнинг очик, ошқора ва муқобил танлови жорий этилган.

Эндиликда Президентимиз томонидан қўйилган талаблар асосида судьяларни танлашда жамоатчилик фикри ва улар олдидаги ҳисобдорлик масаласи тўлиқ ўз ифодасини топади. Бу ушбу тизимда шаффофлик таъминланиши ва муҳими, муносиб шахслар судья бўлишига йўл очади. Туман, шаҳар ва вилоят суди судьяларини тайинлаш вазифасини Судьялар Олий Кенгаши тўлиқ ўз зиммасига олиши эса тизимга қўйилган масъулиятни янада оширади.

Мурожаатномада белгилаб берилган ва соҳада амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар тизимни такомиллаштириш йўлидаги кенг кўламли ислохотларнинг давомийлигини давом эттириш зарур. Бу, албатта, одамларда эртанги кунга ишонч, келажакка умид туйғуларини янада мустаҳкамлайди.

Умид ШОУМАРОВ, "Адолат" СДП вилоят кенгаши раиси:

Президентимизнинг Олий Мажлиси Мурожаатномаси замирида жуда катта мақсадлар ётибди.

Мурожаатномада иқтисодийнинг рақобатбардошлигини янада ошириш, энг аввало, таркибий қайта ўзгаришларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш, етакчи тармоқларни модернизациялаш, техник ва технологиядан қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқаришни фаол диверсификациялаш ва маҳаллийлаштириш, шунингдек, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги барча тўсиқлар ва чеклашларни бартараф этиш, аҳолининг иш билан бандлиги, унинг ҳаёт сифати ва даражасини янада кўтариш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирларнинг натижалари ҳар томонлама кўриб чиқилди ва чуқур таҳлил қилинди.

Ватан равақи, халқ фаровонлигини таъминлаш мақсадида чет эл инвестицияларини жалб этишга стратегик устувор вазифа сифатида қаралиб, мазкур масала давлат иқтисодий сиёсатининг муҳим йўналиши этиб белгиланди.

Бу мақсадга эришиш учун барча даражадаги раҳбарлар ва халқ депутатлари фаолиятини танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик асосида ташкил этиш зарурлиги таъкидланди. Бўлажақ вазирлар парламент олдида масъулиятни ҳис этиши, лавозимга муносиблигини исботлаши кераклиги қайд этилгани барча депутатларни беҳад қувонтирди.

"Тошкент ҳақиқати" мухбири Абдусалим МАҲМУДОВ эзиб олди

ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ДАСТУРИЛАМАЛИ

Президентимизнинг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлиса Мурожаатномасини барчамиз катта қизиқиш билан тингладик. Унда иқтисодий ҳамда ижтимоий соҳадаги ислохотларни изчил давом эттириш, хусусан, "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили" деб номланган 2019 йилда бажарилиши зарур бўлган энг муҳим устувор вазифалар белгилаб берилди.



Айни кунларда мамлакатимизнинг барча жойларида Мурожаатномани ўрганишга бағишланган ўқув-семинарлари ташкил этилмоқда. Вилоят ҳокимлигида ўтказилган шундай тадбирда барча туман, шаҳар ҳокимлари ўринбосарлари, маънавият ва маърифат маркази ходимлари, тижорат банклари вакиллари, ташкилот ва бошқармалар мутасад-

дилари иштирок этишди.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг малакали мутахассислари Мурожаатноманинг мазмун-моҳияти, бугунги кундаги аҳамияти ҳақида кенг тушунча бериб, ундаги ҳар бир йўналишга алоҳида тўхталиб ўтишди. Жумладан, унда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, бажариладиган ишлар юзасидан тақлиф ва тавсиялар ҳам берилди.

Ўқув-семинари жуда фойдали бўлди, - дейди "Маънавият ва маърифат" маркази Нурафшон шаҳар бўлими раҳбари Шухрат Ражабов. - Мурожаатномада белгиланган вазифалар моҳиятига чуқур кириб бордик. Шунингдек, ҳар бир раҳбар ҳодим ўз олдига бир мақсад қўйиб, эртанги кун учун ишлаши кераклигини, аҳоли орасида кенг камровли тушунтириш олиб боришимиз лозимлигини англадик.

Зухриддин РАҲМОНОВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири Равшан МИРЗАКУЛОВ олган суратлар

Ижтимоий эълон

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 октябрдаги ПФ-5552-сонли Фармони доирасида ПҚ-3939-Қарорига асосан 1 сўм қийматида сотиладиган 5000 м.кв.гача бўлган объектлар РЎЙХАТИ

№	№	Давлат объекти номи	Объект манзили	Бино ва иншоотлар майдони*	Балансда савдовчи
Чирчиқ шаҳри					
1	1	Собиқ "Харбий кир ювир" биноси	Чирчиқ шаҳри, Маданият кўчаси	1193,0	Чирчиқ шаҳри, Мулофаа ишлари бўлими
2	2	Собиқ техникум биноси	Чирчиқ шаҳри, Заковат (Охунбобоев) кўчаси, 2-уй	1451,9	Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги
Бўка тумани					
3	1	Машина трактор парки ва бино-иншоотлари	Бўка тумани, "Янгиобод" МФЙ	1521,5	Бўка тумани ҳокимлиги
4	2	Ачамайли аҳоли дам олиш маркази бино ва иншоотлари	Бўка тумани, Ачамайли ф/у	920,0	Бўка тумани, Маданият бўлими
5	3	Қурилиши тугалланмаган болалар шифохонаси	Бўка тумани, "Янгиқўрғон" МФЙ	2282,7	Бўка тумани ҳокимлиги
6	4	Бўш турган нотураржой (гараж) бино-иншоотлари	Бўка тумани, "Баҳмал" МФЙ	2003,9	Бўка тумани ҳокимлиги
Қибрай тумани					
7	1	Собиқ маданият уйи бино ва иншоотлари	Қибрай тумани, "Ботаника" МФЙ	1075,3	Қибрай тумани, Маданият бўлими
8	2	Ошхона биноси	Қибрай тумани, Оқ-қовоқ ҚФЙ, Академ шаҳарча кўчаси	681,2	Қибрай тумани ҳокимлиги
Паркент тумани					
9	1	Собиқ ширкат хўжалик биноси	Паркент тумани, Номданақ кишлоғи, "Бозорбош" МФЙ	1193,2	Паркент тумани ҳокимлиги
10	2	Собиқ юқумли касалликлар шифохонаси (1-қисми)	Паркент тумани, "Марказий" МФЙ, Шифокорлар кўчаси	2023,3	Паркент тумани ҳокимлиги
Олмалик шаҳри					
11	1	4 қаватли уйнинг 1-қават нотураржой қисми	Олмалик шаҳри, "Сўғи Оллоёр" МФЙ, Тотулик кўчаси, 7-уйнинг 1-қавати	1049,5	Олмалик шаҳар ҳокимлиги
Охангарон тумани					
12	1	Чойхона биноси	Охангарон тумани, Увак ҚФЙ	1171,1	Охангарон тумани ҳокимлиги
13	2	"Ороу" болалар дам олиш маскани бино-иншоотлари	Охангарон тумани, Айрисой кўрғони	2277,4	Охангарон тумани ҳокимлиги
Пискент тумани					
14	1	Собиқ пахта тазалаш заводининг профилактория биноси	Пискент тумани, "Дўстлик" МФЙ, Янгиобод ҚФЙ	1983,4	Пискент тумани ҳокимлиги
Ангрен шаҳри					
15	1	Марказий шифохонанинг онкология бўлими биноси	Ангрен шаҳри, Дукент кўрғони, Ўқувчилар кўчаси	1248,9	Ангрен шаҳар ҳокимлиги
16	2	Қорабоғ шифохонасининг фойдаланилмаётган биноси	Ангрен шаҳри, А.Темур кўчаси	3916,9	Ангрен шаҳар марказий шифохонаси
17	3	"Узахтастрой" АЖнинг учта ётқоҳона биноси	Ангрен шаҳри, 5/2-даха	2279,0	Ангрен шаҳар ҳокимлиги
Бўстонлик тумани					
18	1	Тубдиспансер бино ва иншоотлари	Бўстонлик тумани, Ғазалкент шаҳри, Охунбобоев кўчаси	2534,98	Бўстонлик тумани ҳокимлиги
Қуйи Чирчиқ тумани					
19	1	3 қаватли эски шифохона биноси	Қуйи Чирчиқ тумани, "Маданият" МФЙ	4700,0	Қуйи Чирчиқ тумани ҳокимлиги
20	2	Собиқ хўжалиқларро биологик фабрикаси	Қуйи Чирчиқ тумани, "Пахтазор" маҳалласи, Инокобод кўчаси	2077,19	Қуйи Чирчиқ тумани ҳокимлиги
Янгийўл тумани					
21	1	Намойишлар саройи биноси, бостирмалар ва қоровулхонаси билан	Янгийўл тумани, Гулбаҳор шаҳарчаси, "Аҳил" маҳалласи ҳудудида жойлашган	2241,3	Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институти
22	2	Трактор паркиннинг омборхона биноси, бостирмаси билан	Янгийўл тумани, Гулбаҳор шаҳарчаси, "Аҳил" маҳалласи ҳудудида жойлашган	2005,2	Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институти
23	3	2 қаватли маъмурий бино, ертўла ва бостирмаси билан	Янгийўл тумани, Гулбаҳор шаҳарчаси, "Аҳил" маҳалласи ҳудудида жойлашган	4931,6	Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институти

Ушбу объектлар бўйича талабгорлар томонидан камида 1,0 млн. АҚШ доллари миқдорига инвестиция киритиш ва янги иш ўринлари яратиш тақдирини келиб тушадиган вилоят комиссияси ва Халқ депутатлари вилоят Кенгаши томонидан кўриб чиқилди. Объектлар бўйича ҳужжатлар 2019 йил 16 январь соат 18.00 гача Тошкент вилояти инвестициялар бош бошқармасига тақдим этилиши лозим. Ушбу муддатда объектлар бўйича тақдирлар келиб тушмаган тақдирда электрон онлайн савдоларига чиқарилади. Мурожаат учун манзил: 111500, Нурафшон шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, 90-уй. Тел.: (70) 76-20-313, (70) 76-22-283, (90) 358-76-60.

Тошкент вилояти ҳокимининг 2018 йил 29 декабрдаги 985-сонли қарорига 1-илова

Тошкент вилоятида Давлат кўчмас мулкidan 2019 йилда 1 кв.м. фойдаланганлик учун қўлланадиган ижара тўловининг энг кам ставкалари (Тошкент вилояти маркази Нурафшон шаҳрига)

Table with 2 columns: Ижарага берилмаган майдонлардан фойдаланиш мақсади, Бир йиллик энг кам ставка 1 кв.м/сўм. Includes categories like Саноат, Ўрмончилик, Қишлоқ ҳўжалиги.

Table with 2 columns: Description, Value. Includes categories like Транспорт ва алоқа, Қурилиш, Саъдо ва умумий оъқатланиш.

Table with 2 columns: Description, Value. Includes categories like Соғлиқни сақлаш, Жисмоний маданият ва ижтимоий таъминот, Таълим, Молия-кредит фаолияти, Фаолиятнинг бошқа турлари.

Table with 2 columns: Description, Value. Includes categories like Ойбоғхона бино ва иншоотлари, Давлат корхоналари учун оғис, Архивлаш хизмати.

*1 Ӱзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳамасининг 2009 йил 30 июндаги 07/10-41-сон мажлиси Баённомасининг 11-бандига мувофиқ мулкнинг шаклидан қатъи назар дорихона муассасаларининг филиаллари ҚВП биналарида фаолият кўрсатаётганлиги учун ижара тўловининг "ноль" ставкаси қўлланилади.

**Ӱзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳамасининг 2012 йил 22 ноябрдаги 02/1-74-сонли топшириғига мувофиқ Ӱзбекистон Республикаси Мудрофаа вазири Савдо бошқармасининг таркибий қисмлари учун ёпиқ харбий хўшарчалар, харбий қисм ва муассасалари ҳудудларида жойлашган кўчмас давлат мулкidan фойдаланганда ижара тўловининг "ноль" ставкаси қўлланилади.

***Ӱзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳамасининг 2014 йил 24 июлдаги 02/107-2670-сонли топшириғига мувофиқ "Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати" ӰзЛиДеПнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Намангон, Фарғона, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳри (шу жумладан, Миробод тумани) кенгашлари, шунингдек, "XXI аср" ижтимоий-сиёсий газетаси таърият учун партия балансидаги тегишли давлат мулкларидан фойдаланганлик учун 2014 йил 1 августдан ижара тўловининг "ноль" ставкаси белгиленди.

****Ӱзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳамасининг 2017 йил 16 октябрдаги "Ешлар тадбиркорлик кластерларини ташкил этишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги 834-сонли қарорига асосан давлат мулклари, шу жумладан, эркин иқтисодий ва ички саноат зоналарида жойлашган давлат мулклари Ӱзбекистон Ёшлар иттифоғига аъзо бўлган ёш тадбиркорларга туман ёки шаҳар Ёшлар иттифоғининг тасвирисига асосан беш йилгача бўлган муддатга ижара ҳақи "ноль" ставкада белгиленди.

*****Ӱзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳамасининг 2017 йил 16 августдаги 14/1-1959-сонли топшириғига асосан 2018 йилдан Олимпиада чемпионлари ва олимпиядорлари Ӱзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг тасвирисига асосан аҳоли гавжум ҳудудларидан хўсуй спорт ташкилотлари учун давлат мулки ва ер участкалари ажратилди ҳамда спорт йўналишини саъба қилиш шарти билан "ноль" ставкада ижарага берилди.

*****Ӱзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳамасининг 2018 йил 1 августдаги 609-20-сонли қарорига мувофиқ, Мудрофаа вазирилик тасарруфидagi бино-иншоотлар, асосий воситалар ва бошқа мол-мулкларни вазириликнинг тизим ташкилотларига ижара шартномаси асосида берилшида ижара тўловининг "ноль" ставкаси белгиленди.

Тошкент вилояти ҳокимининг 2018 йил 29 декабрдаги 985-сонли қарорига 2-илова

Тошкент вилоятида Давлат кўчмас мулкidan 2019 йилда 1 кв.м. фойдаланганлик учун қўлланадиган ижара тўловининг энг кам ставкалари (вилоятнинг қолган туман ва шаҳарларига)

Table with 2 columns: Ижарага берилмаган майдонлардан фойдаланиш мақсади, Бир йиллик энг кам ставка 1 кв.м/сўм. Includes categories like Саноат, Ўрмончилик, Қишлоқ ҳўжалиги.

Table with 2 columns: Description, Value. Includes categories like Саноатнинг бошқа тармоқлари, Қишлоқ ҳўжалиги, Транспорт ва алоқа, Қурилиш, Саъдо ва умумий оъқатланиш.

Table with 2 columns: Description, Value. Includes categories like Таълим, Молия-кредит фаолияти, Фаолиятнинг бошқа турлари.

Table with 2 columns: Description, Value. Includes categories like Ойбоғхона бино ва иншоотлари, Давлат корхоналари учун оғис, Архивлаш хизмати.

Table with 2 columns: Description, Value. Includes categories like Маданий мерос объектлари бино ва иншоотларида умумий оъқатланиш, Авиакасса (шу жумладан, темир йўл, транспорт ва бошқалар).

*1 Ӱзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳамасининг 2009 йил 30 июндаги 07/10-41-сон мажлиси Баённомасининг 11-бандига мувофиқ мулкнинг шаклидан қатъи назар дорихона муассасаларининг филиаллари ҚВП биналарида фаолият кўрсатаётганлиги учун ижара тўловининг "ноль" ставкаси қўлланилади.

**Ӱзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳамасининг 2012 йил 22 ноябрдаги 02/1-74-сонли топшириғига мувофиқ Ӱзбекистон Республикаси Мудрофаа вазири Савдо бошқармасининг таркибий қисмлари учун ёпиқ харбий хўшарчалар, харбий қисм ва муассасалари ҳудудларида жойлашган кўчмас давлат мулкidan фойдаланганда ижара тўловининг "ноль" ставкаси қўлланилади.

***Ӱзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳамасининг 2014 йил 24 июлдаги 02/107-2670-сонли топшириғига мувофиқ "Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати" ӰзЛиДеПнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Намангон, Фарғона, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳри (шу жумладан, Миробод тумани) кенгашлари, шунингдек, "XXI аср" ижтимоий-сиёсий газетаси таърият учун партия балансидаги тегишли давлат мулкларидан фойдаланганлик учун 2014 йил 1 августдан ижара тўловининг "ноль" ставкаси белгиленди.

****Ӱзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳамасининг 2017 йил 16 октябрдаги "Ешлар тадбиркорлик кластерларини ташкил этишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги 834-сонли қарорига асосан давлат мулклари, шу жумладан, эркин иқтисодий ва ички саноат зоналарида жойлашган давлат мулклари Ӱзбекистон Ёшлар иттифоғига аъзо бўлган ёш тадбиркорларга туман ёки шаҳар Ёшлар иттифоғининг тасвирисига асосан беш йилгача бўлган муддатга ижара ҳақи "ноль" ставкада белгиленди.

*****Ӱзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳамасининг 2017 йил 16 августдаги 14/1-1959-сонли топшириғига асосан 2018 йилдан Олимпиада чемпионлари ва олимпиядорлари Ӱзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг тасвирисига асосан аҳоли гавжум ҳудудларидан хўсуй спорт ташкилотлари учун давлат мулки ва ер участкалари ажратилди ҳамда спорт йўналишини саъба қилиш шарти билан "ноль" ставкада ижарага берилди.

*****Ӱзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳамасининг 2018 йил 1 августдаги 609-20-сонли қарорига мувофиқ, Мудрофаа вазирилик тасарруфидagi бино-иншоотлар, асосий воситалар ва бошқа мол-мулкларни вазириликнинг тизим ташкилотларига ижара шартномаси асосида берилшида ижара тўловининг "ноль" ставкаси белгиленди.

Тошкент вилояти ҳокимининг 2018 йил 29 декабрдаги 985-сонли қарорига 3-илова

Ижара тўлови ставкаларига қўлланиладиган оширувчи коэффициентлар 1-Худудий зоналар коэффициентлари

Table with 3 columns: Шаҳар-туманлар номи, Зоналар, Худудий зоналар коэффициентлари. Lists various districts and their coefficients.

2-Қурилиш тури бўйича коэффициентлари (Кқ):

- алоҳида турган бино - 1,5;
- бинонинг ички қисмида жойлашган ва таъаб қурилган - 1,0;
- бинонинг юқори қисмида (чердак, болохона) - 0,7;
- ертўла (ярим ертўла) - 0,5;
- бетонлаштирилган (асфальтланган) иншоотлар - 0,3.

3-Туташиб кетган ҳудуддан фойдаланиш коэффициентлари (Кқ):

- ер майдони ва бинонинг ички ўтиш йўлаклари мавжуд бўлганда - 0,8.

4-Тикорат мақсадларида фойдаланишда кулайлик коэффициентлари (Кк):

- асосий автотранспорт йўллари бўйлаб жойлашганда - 0,5;
- иккинчи даражали автотранспорт йўллари бўйлаб жойлашганда - 0,4;
- радио, уяли ва пейджиинг алоқа антенналари ўрнатилганда - 0,5.
Бинолар ва иншоотлар бўйича ижара тўловини ҳисоблаб чиқиш қуйидаги тарзда аниқланади:

Tc = Zc * Ka * (Kk + Kq + Ko).

бунда:

Tc - бир йилга бир кв.метр учун ижара тўлови таянч ставкаси.

Zc - бир йилга бир кв.метр учун энг кам ставка.

Тошкент вилояти ҳокимининг 2018 йил 29 декабрдаги 985-сонли қарорига 4-илова

Радио, уяли ва пейджиинг алоқа антенналари (техник ускуналар) ўрнатилганда фойдаланиладиган майдон учун ижара ҳақи тўловлари ҳисобланадиган тартиби

1-Бино ва иншоотларнинг юқори қисми, чердак, болохона (шунингдек, давлат мулки бўлган иншоотларнинг юқори қисми) қисмида ўрнатилганда: Tc = Zc * Ka * (Kk + Kq + Ko).

Tc - бир йилга бир кв.метр учун ижара тўлови таянч ставкаси.

Zc - бир йилга бир кв.метр учун энг кам ставка.

Ka - худудий зона коэффициентлари.

Kk - 0,7

Kq - 0

Ko - 0,5

2-Бино ва иншоотларга бириктирилган, шунингдек, алоҳида ажратилган майдонларга ўрнатилганда: Tc = Zc * Ka * (Kk + Kq + Ko).

Tc - бир йилга бир кв.метр учун ижара тўлови таянч ставкаси.

Zc - бир йилга бир кв.метр учун энг кам ставка. (умумий ижара майдони тортиқ қозғаларнинг умумий периметри бўйича ҳисобланади).

Ka - худудий зона коэффициентлари.

Kk - 0

Kq - 0,8

Ko - 0,5

3-Бино ва иншоотларнинг ички қисмида жойлашган хоналарга техник ускуналари ўрнатилганда: Tc = Zc * Ka * (Kk + Kq + Ko).

Tc - бир йилга бир кв.метр учун ижара тўлови таянч ставкаси.

Zc - бир йилга бир кв.метр учун энг кам ставка.

Ka - худудий зона коэффициентлари.

Kk - 1,0

Kq - 0

Ko - 0,5

Реклама ўрнида

«ТОШКЕНТ МИНТАҚАВИЙ ПАХТА ТЕРМИНАЛИ»

масъулияти чекланган жамияти жамоаси
барча юртдошларимизни

Янги – 2019 йил

билан самимий муборакбод этади.

Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили
халқимиз учун муваффақият ҳамда тараққиёт йили бўлсин!
Мамлакатимиз янада гуллаб-яшнайверсин!



Вилоятимизнинг шаҳар ва туманларидан икки мингга яқин ўқувчи-ёшлар қатнашган ушбу тадбир аввалида ташкилот тизимида шуғулланаётган спортчиларнинг кўргазмали чиқишлари, шунингдек, Чирчиқ олий танк кўмондонлик-муҳандислик

Рустам Эргашов. – Бунда, асосан, ёшлар ва фуқаролар ўртасида Ватанни ҳимоя қилиш ҳақидаги ғояларни тарғиб этиш, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, фуқаролар ва вояга етмаган ёшлар ўртасида спортнинг тех-

модель", "Авиамодель" спорт турлари бўйича кўргазмали чиқишлар ташкил этилди.

– Бугунги тадбир сермазмун, айниқса, ёшларимизни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашдек мақсадга оз бўлсада ҳисса қўшгани билан янада аҳамиятлидир, – дейди Чирчиқ Олий танк кўмондонлик-муҳандислик билан юрти бошлигининг маънавият ва маърифат масалалари бўйича ўринбосари, полковник Акром Шоҳақимов. – Шу билан биргаликда Ватан ҳимоячиларининг кайфиятини кўтариб, Куролли Кучларда кечаётган ислохотлар, ўзгаришларга фуқаролар, қолаверса, ўқувчи-ёшларимизнинг муносабатини шакллантириди. Бу каби тадбирларнинг мунтазам ўтказиб борилиши Куролли Кучлар ва халқимиз ўртасидаги ришталар янада мустаҳкамланиб, ёшларимизнинг ҳарбийларга бўлган ҳавасини орттириб боришига ишонаман.

Тадбирда иштирок этган жаҳон чемпионлари Дмитрий Шокин ва Рамзиддин Саидов ёшлар ва курсантлар билан очик мулоқот ўтказишгани янада қизиқарли бўлди.

Абдусалим МАҲМУДОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири
Мансур ХИММАТОВ
олган суратлар

Мазкур ҳолат юзасидан Зангиота тумани прокуратураси томонидан "Зангиота-тумангаз" филиали мансабдор шахсларига нисбатан Жиноят кодексининг 207-моддаси 2-қисми "а" банди билан жиноят иши қўзғатилди.

Ахборот манбаларининг ёзишича, 4 нафар қиз бир хонадонда яшаган (ака-уканинг фарзандлари). Шу кунни уларникида яна бир қиз меҳмонда бўлган. Кечаси қизлар ўз хоналарига ухлагани киришган. Ярим тунда болаларнинг онаси хонага кирганда, қизлар беҳуш ҳолда бўлишган...

Суд тиббий-экспертиза хулосасига кўра, 4 ёшдан 16 ёшгача бўлган қизлар хона девори орасида ўрнатилган қўлбола усулда ясалган иситиш мосламаси (печка) дан чиққан ис газидан заҳарланиш оқибатида вафот этишган.

Бахтсиз ҳодиса ижтимоий тармоқларда, интернет сайтларида жамоатчилик томонидан кенг муҳокама қилинмоқда. Турли фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда. Кейинги пайтларда бундай муҳиш воқеалар кўпайгани, бу ҳолатларга мутасадди ташкилотлар етарли даражада эътибор қаратаётганлари ҳақида гапирилмоқда.

Маълумотларга кўра, 2018 йилда вилоятимизда газ асбоб-ускуналаридан нотўғри ва ўзбошимчалик билан фойдаланиш билан боғлиқ 40 дан ортиқ ҳолатларда 50 нафардан зиёд фуқаролар ис газидан жабр кўргани, 16 нафар фуқаро вафот этгани қайд этилган. Бу қанча

оилаларнинг бошига қутилмаган таъсир келтирганини тасаввур қилинг-а...

Ўрганиш ва таҳлиллар шуни кўрсатдики, бундай нохуш ҳолатларга, асосан, фуқароларнинг қўлбола иситиш печлари, газ сизиб чиқиши мумкин бўлган резина шланглардан совуққонлик билан фойдаланишлари

олиб бориш мақсадида 2018 йилнинг 1 ноябрида Вазирлар Маҳкамасининг "Аҳоли хонадонларида иситиш тизими ва ёқилги маҳсулотларидан фойдаланишда хавфсизлик талабларига риоя этилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

носозликларнинг бартараф этилишини таъминлаш бўйича ҳудудий комиссиялар ташкил этилди.

Энди кўп квартиралли уйларида газ плиталари (бошқа газ приборлари мавжуд бўлмаганда) икки йилда бир марта, тураржойлардаги газ плиталари, иситиш, сув иситиш приборлари бир йилда бир марта техник тафтишдан ўтказилади, ҳар йили иситиш мавсумидан олдин уларга профилактик хизматлар кўрсатилади. Тураржойлардаги дудборонлар ва вентиляция каналлари ҳар йили иситиш мавсумидан олдин текширилиб, уларнинг созлиги тегишли далалатномалар билан қайд этилади.

Дарҳақиқат, мутасадди ташкилотлар томонидан тегишли чора-тадбирлар кўрилаяпти. Тўғри, қайсидир идора вакиллари ўз вазифасини виждонан бажармаётгандир, кимлардир масъулиятни ҳис этмаётгандир. Аммо ўзимизчи? Ўзимиз хавфсизлигимизни таъминлаш, келиб чиқиши мумкин бўлган турли бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш учун зарур чораларни кўраяпмизми? Айрича уларга борганда газ хидини сезамиз. Хонадон эгаси ойлаб газ плитасини таъмирлашга ҳафсала қилмайди. Гапирсак, яна пайсалга солади.

Ҳақиқат шуки, тегишли идоралар томонидан аҳоли хавфсизлигини таъминлаш учун ҳар қанча ҳаракат қилинмасин, фуқароларнинг ўзи бу борада тегишли тушунчаларга эга бўлмаса ва хавфсизлик чора-тадбирларига жиддий қарамаса юқоридаги каби аянчли ҳодисаларнинг олди олинмайди.

Азиза ҲУСАНОВА

АСЛ ЙИГИТ ЮРТИНИНГ КЎЗМУНЧОҒИ



билим юрти курсантлари томонидан ҳарбий жанг санъати усуллари намойиш қилинди.

– Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларининг мудофаа қудратини мустаҳкамлашга астойдил кўмаклашиб келади, – дейди ташкилот вилоят кенгаши раисининг маънавият, ҳарбий-ватанпарварлик тарғиботи ва ташкилий-оммавий ишлар бўйича ўринбосари

ник ва амалий турларини тарғиб қилиш ва оммавийлигини ошириш, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда автотранспорт воситалари ҳайдовчиларини ва бошқа оммавий касблар турлари мутахассисларини тайёрлаш (қайта тайёрлаш)га алоҳида эътибор қаратилади. Шу боис, бугунги тадбирда ташкилотнинг вилоят кенгаши тасарруфидоги автотранспорт техникаларининг намойиши, авто ва мотоспорт, "Картинг", "Ракета-

сидоги ришталар янада мустаҳкамланиб, ёшларимизнинг ҳарбийларга бўлган ҳавасини орттириб боришига ишонаман.

Абдусалим МАҲМУДОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири
Мансур ХИММАТОВ
олган суратлар

◀ Бошланғич 1-бета

ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тошкент вилояти адлия бошқармаси Нодавлат нотижорат ташкилотлари (алоҳида бўлинмалар) шу жумладан, диний ташкилотлар тегишли адлия органига ўтган йилдаги ўз фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни, шу жумладан, фаолиятни молиялаштириш манбалари ва маблағларнинг сарфланиши тўғрисидаги декларацияни, мавжуд аъзолар сони тўғрисидаги маълумотларни 1 февралгача тақдим этишлари шартлиги тўғрисида огоҳлантиради.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир

Ғайрат
ШЕРАЛИЕВ

Ҳафтанинг
чоршанба ва шанба
кунлари чиқади.

Электрон
почталар:
thaqiqat@umail.uz
th-tp@mail.ru

Қабулхона:
Бош муҳаррир ўринбосари:
Масъул котиб:
Бўлим муҳаррирлари
Шартнома ва эълонлар:
Ҳисоб-китоб бўлими:

Телефонлар:

71 233-64-95, 71 233-58-85 (факс)
71 233-70-10
71 233-55-38
71 233-38-23, 71 233-48-08
71 233-65-59
71 233-54-10

Тошкент вилояти Матбуот ва
ахборот бошқармасида 2011
йил 12 январда 03-001 рақами
билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати»
таҳририяти компьютер
марказида терийди ва
саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА

Назоратчи мусахҳиҳ
Аллома АЗИЗОВА
Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДУҲҲАЕВ